



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 5 декабрь, № 244 (6938) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

АФГОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ғани 4 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кўтиб олди. Қисқа суҳбатдан сўнг Афғонистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 5 декабрь куни бўлиб ўтади.

Олий даражадаги учрашувларда Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан, таълим ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларро ва идораларро ҳужжатлар, шунингдек, тижорат шартномалари имзоланиши кўтилмоқда.

Афғонистон Президенти Ўзбекистонга ташрифи доирасида Бухоро шаҳрини ҳам зиёрат қилади.

ҲАЁТДАН МАМНУНЛИК САОДАТИ

Бундан бир йил муқаддам — 4 декабрь куни халқимиз халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равишда, ўз хоҳиш-иродасини очик-ошкора намойн қилди. Юрдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев учун овоз берар эканлар, бу инсон раҳбарлигида тинч ва осуда ҳаёт кечиришимиз, фаровонлик, юксак тараққиётга эришишимиз муқаррарлигини ҳис этдилар.

КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР

Халқимиз шуридаги айнан шу ишонч, қалбдаги ҳис-туйғу нечоғли тўғри ҳамда ҳаққоний эканлигини Америка Қўшма Штатларининг 4,2 миллионлик аудиторияга эга "Real Clear World" нашрида эълон қилинган мақола муаллифи Жеймс Дурсо ҳам алоҳида қайд этиб ўтди: "Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти этиб сайланган кундан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга қадам қўйди". Эътибор беринг, жаҳоннинг энг машҳур сиёсий нашридаги бу эътироф шунчаки баҳо эмас.

Бинобарин, 365 кун ҳаёт чархпалагида бир лаҳза, холос. Аммо шу қисқа фурсат орасида баҳариланган ишларнинг, ечимини топган муаммоларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Юртбошимиз илгари сураётган ташаббуслар халқимиз томонидан яқдиллик ила қўллаб-қувватланди. Зотан, ҳар бир эзгу ташаббус инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятли ва қадрлидир.

Ўзбекистон раҳбари ўз ғайрат-шижоати, бунёдкорликка интилиш салоҳияти билан барча фуқарони эзгу мақсадлар сари етакламоқда. Ҳайратга соғларли даражадаги шижоат барчага намуна бўлиб, уларни янги марралар сари раҳлантираётган. Зеро, белгилан олган шиддатли суръатга мос ҳолда, юз бераётган воқеа-ҳодисалар ортдан "улғуриш" учун ишга янги аниқлаш талаб қилинади. Давлат раҳбарининг эзгу ғоялари рўйбга чиқатгани, иқтисодий кудратимиз тобора ортиб, ижтимоий соҳалар ривожланиб бораётганини оммавий ахборот воситаларида акс эттириш ҳам ана шуни талаб қилади. Мамлакатимиз олдида турган галдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш асносида халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш энг асосий ўринни эгаллайди ҳамда бунда ҳар бир йўналиш муҳим ва долзарбдир. Ислоҳотларнинг жадал

амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлаётган юрдошларимиз ўз манзили маконларида бу жарағга фаол қиршиқмоқдалар. — Жамиятда кўтаринкилик сезилиб турибди, — дейди Марказий Осиё ва Кавказ институти (АҚШ) раҳбари Фредерик Старр журналистларнинг Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин юз берган ўзгаришлар ҳақидаги саволига жавоб қайтарар экан. — Келажакка ишонч ҳисси кун сайин кучаймоқда. Одамлар маъмув сўзлар эмас, балки амалий қадамларга бажонидил муносабатини билдирмоқда. Бу ҳолатни нафақат расмий доираларда, айна пайтда фуқаролар орасида кузатиш мумкин. Бундай қайфият, албатта, катта-кичик амалдорларда бўлиши табиий. Лекин оддий кишиларда бундай руҳият йўналиши бошқа нарсат. Айнан ана шу омил натижа бериши жуда муҳим ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ватан равнақи ва халқ фаровонлигининг "йўл харитаси"

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, аввало, Асосий Қонунимизнинг ҳаётбахш ғоялари мужассам. Улар фуқароларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлатнинг халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши ҳамда халқ ҳокимиятчилигини кучайтиришда кўринад.

Бизнес ва тадбиркорлик, хусусий мулк ҳамда унинг мустаҳкам ҳимояси мамлакатимиз иқтисодий қувватини оширишда муҳим асос бўлмоқда. Ушбу соҳада юртимизда 400 дан ортиқ қонулар, Президентимизнинг сўнгги бир йил ичида қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, жадал тараққиёт ҳамда туб бурилишлар неғизида мамлакатимизда қонун ҳужжатларига, биз учун муҳим бўлган ҳаётий зарурат тўғрисида Конституциямизга ҳам тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб, мазмунан бойитилиб, такомиллаштириб борилаётган.

Конституциямизнинг 36, 53 ҳамда 54-моддаларида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлиги, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахл-

сиз ҳамда давлат ҳимоясида экани, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эғалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши белгилаб қўйилган. Тадбиркорлик ҳамда бизнес учун мамлакатимизда зарур бўлган ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамлини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қулай инвестиция муҳитини яратишда пойдевор вазифасини ўтаётган. Бунинг самараси ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиб боришида намойн бўлмоқда. Эътиборлиси, юртимиз иқтисодиётида саноатнинг улушини 2030 йилга бориб 40 фоизга етказиш мўлжалланаётган.

Хусусан, Андижон вилоятида ўтган тўққиз ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 триллион 725 миллиард сўмликдан орди. Бу



2016 йилдаги нисбатан қарийб 130 фоиз кўпдир. Ана шундай қиёсани кичик қорхоналар улushi нисбатидан кўрайдиган бўлсақ, мазкур кўрсаткич 114,1 фоизни ташкил қилади.

Ҳозир вилоятда, жумладан, Хўжабод туманида биргина тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзи икки баравар кўпайган. Туман тасарруфига мана шу йўналишдаги кичик қорхоналар сонини бир йил ичида 2,5 баравар кўпайди. Айнан саноат ишлаб чиқаришнинг ортиши эвазига туман субвенциядан чиқди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон элчиси АҚШ Президентига ишонч ёрлиқларини топширди

ЎзА.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жавлон Ваҳобов АҚШ Президенти Дональд Трампга ишонч ёрлиқларини топширди. Маросим АҚШ давлат раҳбарининг расмий Оқ уй қароргоҳида бўлиб ўтди.



БИЗ ВА ЖАҲОН

Маросимдан кейин кечган суҳбат чоғида Президент Дональд Трамп кейинги йил мобайнида Ўзбекистонда қўрилайётган чора-тадбирлар "республиканинг аниқлашган ислоҳотлар қўллашнинг мақсад қилганидан далолат эканлигини" баён этди. Ўзбекистон томонидан ташланган қадамлар, шу жумладан, миллий валюта конвертацияси жорий қилингани халқаро сармоядорлар учун мамлакатнинг жозибадорлигини оширди. Америка маъмурияти раҳбари болалар меҳнатига барҳам бериш ҳамда давлат бошқаруви тизимида шафқатли таъминлашнинг ривожланиши эътироф этди.

Қўшма Штатлар Президенти Ўзбекистон — Америка муносабатларини чуқурлаштиришга содиқ

эканлигини тасдиқлади. Унинг айтишича, мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари кўпдир. "Вашингтон кучли ва мустақил Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашни тасдиқлайди, бу минтақавий шерикликка ҳамда Афғонистонни барқарорлаштиришга йўл очди". АҚШ Ўзбекистоннинг аллақачон минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар яхшиланишига катта туртки берган "яхши кўшничилик сиёсатини" қўллаб-қувватлашни таъкидлади. Қирғизистон билан чегараларнинг катта қисмини делимитация қилиш юзасидан расмий Тошкент томонидан қўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги алоҳида қайд этилди.

«Жаҳон» АА.
Вашингтон

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя қилиш — муқаддас бурчимиз

Асосий Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилган. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Конституциямиз қабул қилинганнинг 25 йиллиги байрами арафасида имзоланган "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ушбу йўналишдаги сайёҳаракатларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

МУНОСАБАТ

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини катъий таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар рўйбга чиқарилаётган. Қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва инсонпарварлик, адолатлик ҳамда айбисизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни таъминлаш мақсадида суд-

ҳуқуқ соҳасида ҳам изчил ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталишдан олдин давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятида аҳоли билан бўлган учрашувларида билдирган фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: "Юртимизда барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлатда адолатсизлик бўлишига ҳеч

қачон йўл қўймаймиз. Қонун ва адолат ҳимояси ҳокимиятининг барча бўғинлари, энг аввало давлат бошқаруви органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг биринчи даражали вазифаси бўлиб, айна пайтда бутун жамиятимизнинг куч ва имкониятларини бу йўлда сафарбар этиш шарт, деб ҳисоблаймиз". Фармон ушбу фикрлар-

га ҳамоҳанг бўлиб, унда суд-тергов фаолиятида адолатсизликка йўл қўймайлик, адолатни қарор топтириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш асосий вазифа сифатида белгиланган. Айна мақсадда жиноий таҳовузалардан муҳофазаланишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, фуқаролар шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймайлик алоҳида эътибор қаратилган. Қолаверса, ҳар бир инсон тўқис ҳаёт кечириши таъминлаш назарда тутилган. Зеро, адолат барқарорлиги хотиржамлик, тинчлик ва тараққиётга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Президент совғаси — хизмат автомашиналари берилди

Термиз шаҳрида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманлар кенгашлирига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — хизмат автомашиналарини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

РАФБАТ

Тадбирда таъкидланганидек, маҳалла — миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирувчи, дунёда ўхшаши йўқ ноёб тузилма. Шу боис мазкур институт фаолияти изчил такомиллаштирилиб, ваколати кенгайтирилиб, Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини кучайтириш, уларни халқнинг чинакам маслаҳатдошига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни шакллантириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг иштироки кенгаймоқда.

— Вилоятимизда 717 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаёпти, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А. Эшмуродов. — Маҳалла том маънода давлат ва халқ ўртасида кўприк вазифасини ўтаб, жамиятнинг янада демократлаштириш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этаётган. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари О. Муродов, Р. Комилов, К. Қуронбоев, Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева, Сурхондарё вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

«Ёшлар поезди»

олис ва чекка қишлоқларга ҳам кириб борди

Юртимизда Конституциямиз қабул қилинган кун катта шоду хуррамлик билан нишонланади. Зеро, халқ манфаатлари йўлидаги кенг кўламли ислоҳотлар, ўзгариш унгилилар, жамият ҳаётидаги устувор йўналишлар мана шу муҳим ҳужжатда ўз ифодасини топган.

ТАРҒИБОТ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Ёшлар поезди" тарғибот акцияси иштирокчилари Сурхондарё, Қашқадарь, Самарқанд вилоятлари шаҳаро туманларида ўтказилган учрашувларда бу ҳақда тўққиланиб сўз юритишди.

(Давоми 3-бетда).

Оилалар қувончи

Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 25 йиллиги арафасида Наманган шаҳрида 336 та оилага мўлжалланган замонавий уй-жойлар фойдаланишга топширилди.



— Узоқ йиллардан буён шундай шинам тураржойга эга бўлиш орсусида эдик, — дейди шаҳардаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Умида Собирова. — Икки нафар фарзандим энди барча шарт-шароит ва қулайликка эга ўз бахт қошонамизда камол топади. Бу уйларидаги 8 та хонадон ногиронлиги бўлган фуқароларга алоҳида имтиёз билан берилди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

— Уч ой аввал менга замонавий тикув машинасини туҳфа этишган эди, — дейди иккинчи гуруҳ ногирони Мадинахон Камолова. — "Наманганпахтасаноат" худудий бирлашмасига ўша тикув машинасида этак тикиб бериб, рўзго-



римни бутлаб олгандим. Бошланғич бадалидан 10 миллион сўми давлат томонидан тўланиб, хонадонимизни телевизор, музлаткич, мебель билан жиҳозлашди. Чиндан ҳам, шаҳарсозликнинг замонавий имкони-

ятлари асосида маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланилган ҳолда, тезкорлик билан бунёд этилган, атрофда болалар майдончалари мавжуд бу тураржойлар ҳавас қилса, арзигулик.

(Давоми 2-бетда).

Спорт



179
килограмм
учун олтин

АҚШнинг Анахайм шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари давом этапти.

Эркалар ўртасида 69 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Достон Ёқубов силтаб кўтаришда 179 килограмм оғирликни бўйсундириб, олтин медалга сазовор бўлди.

Яна бир иқтидорли атлетимиз Фарҳодбек Собиров кумуш медал соҳибига айланди.

Кубокни ОФК раҳбаридан олди

Айни кунларда Осиё футбол конфедерацияси президенти Шайх Салмон бин Иброҳим ал-Халифа мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Ташриф доирасида у Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти билан учрашувлар ўтказиб, юртимизда "миллионлар ўйини"ни янада оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, Шайх Салмон бин Иброҳим

ал-Халифа кеча "Бунёдкор" — "Локомотив" ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги финал учрашувини беvosита стадиондан туриб кузатди. Қизиқарли кечган ушбу баҳсда "Локомотив" жамоаси муваффақият қозонди. Ғолиб футболчиларга кубокни ОФК раҳбари тантанали равишда топширди.

Футзалчиларимиз — жаҳон чемпиони!

Таиландда футзал бўйича ўн саккиз ёшгача бўлган заиф эшитувчилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.



Вакилларимиз мусобақада ажойиб ўйин намойиш этиб, финалга қадр этиб боришди. Хал қилувчи баҳсда эса спортчиларимиз Швеция терма жамоаси устидан 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Унда Қозғистон, Индонезия, Таиланд, Кувайт, Россия, Германия, Швеция

терма жамоалари билан бир қаторда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионига айланди.

Ким ғолиб бўлади?

2018 йилнинг 14 июнь — 15 июль кунлари Россия Федерацияси футбол бўйича жаҳон чемпионати мезбонлик қилади. Унда дунёнинг энг кучли 32 терма жамоаси бош соврин учун беллашади. Гуруҳлар куйидаги тартибда бўлиниди:

- "А" гуруҳи: Россия, Саудия Арабистони, Миср, Уругвай.
- "В" гуруҳи: Португалия, Испания, Марокаш, Эрон.
- "С" гуруҳи: Франция, Австралия, Перу, Дания.
- "D" гуруҳи: Аргентина, Исландия, Хорватия, Нигерия.
- "E" гуруҳи: Бразилия, Швейцария, Коста-Рика, Сербия.

- "F" гуруҳи: Германия, Мексика, Швеция, Жанубий Корея.
- "G" гуруҳи: Бельгия, Панама, Тунис, Англия.
- "H" гуруҳи: Польша, Япония, Колумбия, Сенегал.

О. ФАЙЗИЕВ тайёрлади:

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
жамоаси
юртдошларимизни
мамлакатимиз Конституцияси
қабул қилинганининг
25 йиллиги байрами билан
табриклайди!



Сизларга сиҳат-
саломатлик, оилаларингизга
бахту саодат,
эзгу ишларингизда
янги ютуқ ва омадлар
тилайди.



Хизматлар лицензияланган.

ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
ИЧИМЛИК СУВДАН ФЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

совиткич (кондиционер) хариди бўйича тижорат таклифларини қабул қилади.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўм)
1.	Совиткич (кондиционер — 09)	дона	10	4 200 000
2.	Совиткич (кондиционер — 12)	дона	10	5 000 000
3.	Совиткич (кондиционер — 18)	дона	10	6 000 000

Маҳсулот учун талаблар:
• кафолат мuddати — 3 йил;
• товарни етказиб бериш ва ўрнатиш.
Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: (0-371) 234-51-39, (+99890) 353-04-04.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!
O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

45 дона банкомат сотиб олиш бўйича таклифларни қабул қилади.
Таклиф этилаётган банкоматларга банклараро «UZCARD» ва «GLOBUZ» миллий тўлов тизими, «VISA», «Mastercard», «Union Pay» ҳамда «МИР» халқаро тўлов тизимлари карталарини қабул қилиши керак.
Бундан ташқари, таклиф қилинаётган банкомат тизимлар шартларига тўғри келиши ҳақида миллий тўлов тизимларидан маълумот ва халқаро тизимларга тўғри келувчи сертификатлар тақдим этилиши лозим.
Таклифларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2017 йил 29 декабрь куни соат 17.00.
Саволлар бўйича куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефон: (0-371) 120-45-00, кўшимча 11-04.
Факс: (0-371) 233-04-98.
Электрон манзил: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган.

«ELXOLDING» МЧЖ шаклидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

сотувга тақдим қилади.
Ғўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экишга мўлжалланган универсал сеялка УСЭД-3,6-0,9

«ELDOSH EL 150» русумли юк мотоцикллари

Тезлик! Куч! Қўлайлик!
Маҳсулот оғборларидан давоми сизнинг.
Тўлов шакли — исталган тарзда.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй.
Телефонлар: (+99891) 541-90-41, (+99866) 234-22-72.
Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси Банк бошқаруви раиси Баҳодирбек Муллахоновга отаси Муллахон ҒОЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

«Трастбанк»
хусусий акциядорлик банки жамоаси

юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
қабул қилинганининг
25 йиллиги
билан чин дилдан
муборакбод этади!

Конституция — халқнинг иродаси ва манфаатларини ифодаловчи давлатнинг асосий қонунидир. Ушбу қувончли кунларда ватандошларимиз хонадонларига бахт ҳамда омад, дастурхонларига тўкин-сочинлик ва муқаддас Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятларида улкан зафарлар тилайди. Осмонимиз мусаффо, юртимизни тинчлик ҳеч қачон тарк этмасин!

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки мижозлар учун барча турдаги кенг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилади.

Call-center телефони: (0-371) 140-00-88.
www.trustbank.uz

«Трастбанк» — ишонч билан юзма-юз!
Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўтқир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 73 534 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг халқдаги маълумотларини кўлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқили сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўғазмалар таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Вегмуратов томонидан сақлланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров,
Навбатчи — Р. Шеркулов,
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҒўА яқуни — 23.30 Топширилди — 01.55 1 3 4 5 6